
Семинар-тренингнинг 2-босқичи старт олди

Жорий йилнинг 12 июлдан сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш Концепцияси асосида бўлиб ўтадиган семинар-тренингларнинг 2-босқичига старт берилди. Риштон туманидаги 1-ИДУМда бўлиб ўтаётган семинар-тренингнинг мақсади - сайлов жараёнининг асосий ташкилотчилари бўлган сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларининг малакасини ошириш, сайлов қонунчилиги ва жараёни бўйича билим ҳамда кўникмаларини оширишдан иборат. Бугун ўз ишини бошлаган 2-босқичда участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ва котиблигига номзодлар режа-график асосида билим ва кўникмаларини оширишлари режалаштирилган. Бугун семинар-тренингда туман ҳоқими С. Солиев ҳам иштирок этди. Семинар-тренинглар белгиланган режа-график асосида жорий йил 31 июль кунига қадар давом этади.

2021-07-12 18:44:05